ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

O‘ZLIDEP

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

1-oktabr
2026-yil
39 (1 193)

21asr.uz | XXIasr_yangiliklari | XXIASR | XXI_asr@mail.ru | xxiasrgazetasi | XXIasrgazetasi

Шавкат МИРЗИЁЕВ

**Ўқитувчи — меҳр дарёси,
ўқитувчи — эзгулик булоғи,
ўқитувчи — маърифат қуёши!
Устозлар бугун ёшлар қалбига
қадаётган маърифат ва эзгулик
уруғининг ҳосилидан эртага
бутун жамият баҳраманд бўлади.**

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУБОРАК БЎЛСИН!

ОДАМИЙЛИК БОҒИНИНГ БОҒБОНЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида “Янги Ўзбекистон” университетида соҳа вакиллари иштирокида ўтказилган учрашувда қутлуғ айём билан самимий табриклаб, буюк аждодларимиз камолоти ортида ҳам уларга сабоқ берган муаллимлар турганини ёдга олиб, устозларни “одамийлик боғининг боғбонлари” деб атади. Учрашувда дунёда билим яратиш, ахборот тарқатиш ва меҳнат қилиш усуллари шиддат билан ўзгараётгани қайд этилди. Сунъий интеллект матн тайёрлаши, дастур ёзиши ва маълумотни таҳлил қилиши мумкин. Лекин ҳеч бир технология боланинг қалбига устоздек йўл топиб, унга Ватанга муҳаббат ва масъулият туйғусини сингдира олмаслиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўттиз йилки, Ўқитувчи ва мураббийлар куни юртимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Алишер Навоийдек аллома зот устозлар таърифига ушбу ўлмас сатрларни бундан қарийб беш ярим аср аввал бежиз битмаганига амин бўласиз:

*Ҳақ йўлинда ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.*

4

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

дунёдаги энг улуғ ва хайрли вазифаларга дахлдор касб эгалари — муҳтарам устоз ва муаллимларни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланаётган Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этади. Сизлар Янги Ўзбекистонимиз келажаги ҳамда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек машаққатли ва шарафли меҳнатингиз билан жамиятимизда обрў-эътибор, қадр топиб келаётган энг муҳим соҳа вакиллари саналасиз. Бундай заҳматли ва ғоят масъулиятли ишларни амалга оширишда сизларга ҳамиша омад, хотиржамлик ва ютуқлар ҳамроҳ бўлишини тилаймиз!



ИФТИХОР

XXI АСР ҚАҲРАМОНЛАРИ



Бошқа сўз, таъриф тополмадик улар шаънига. Арзийди-да. Қойил қолмаслик мумкинми?

2026 йил, 15–27 сентябрь, 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси, Самарқанд... Рекорд натижага эътибор беринг: ер шарининг 204 та давлатидан 206 та эркаклар ва 187 мамлакатидан эса 189 та аёллар терма жамоалари қатнашди!

Яна кимсан, яқин-яқин йилларгача дунё шахмат шоҳсупасини забт этиб келган Ҳиндистон, Хитой, АҚШ ва Арманистон вакиллари билан теппа-тенг эмас, аксинча, янада фаолроқ, дадилроқ дона сура олган йигитларимиз Янги Ўзбекистон номини иккинчи бор олимпиада чемпиони деган юксак мақомга олиб чиқди!

Бир неча кунки, Нодирбек Абдусатторов, Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Ёқуббоев, Муҳиддин Мадаминов, Шамсиддин Воҳидов номлари жаҳон шахмат тарихи саҳифаларига битилгани қайта-қайта баралла янграмоқда. Давлатимиз раҳбари терма жамоамиз аъзоларини ушбу юксак ғалаба билан самимий қутлади.

Президентимиз фармонига кўра, 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ва 3-Парашахмат олимпиадасида муваффақиятли иштирок этиб, профессионал маҳорати, ақл-заковати, енгилмас ирода ва матонатини намоён қилиб, улкан натижаларни қўлга киритган ғолиб ва иштирокчилар давлатимизнинг юксак мукофот ва совғалари билан тақдирланди.

Янги Ўзбекистонимиз байроғи сарбаланд ҳилпирайверсин, ана шундай шонли ғалабалар бардавом бўлаверсин!

БУГУНГИ СОНДА



Президентимизнинг Андижон вилоятига навбатдаги ташрифи ҳудуд аҳлининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, янги марралар сари руҳлантириб юборди. Давлатимиз раҳбари қаерга бормасин, ким билан мулоқот қилмасин, аввало, одамларнинг дарду ташвиши, орзу-интилишларига алоҳида эътибор қаратди. Самимий мулоқотларда халқимизга бўлган юксак меҳр ва эътибор яққол намоён бўлди.

2-3

Узоққа бормайлик, атиги ўн йиллар аввал йўлларда асосан “КАМАЗ”, “МАЗ”, “ЗиЛ” каби эски русумдаги юк машиналари учрарди, холос. Уларнинг қаттиқ, ёқимсиз овози бир чақирим узоқдан эшитилар, ёнингиздан ўтиб кетганида димоғингизни аччиқ тутун қоплаб, нафас ололмай қолардингиз.

4





...бир нечта цивилизацияларга гувоҳ бўлган марказий Онадўли минтақасида жойлашган, табиий гўзалликлари ва тарихий бинолари, қоялари билан танилган уч минг йиллик ўтмишга эга Каппадокияга кириб борамиз. Гапираверіб томоғи қуриб қолган Юсуфбей бўлса узоқ-узоқларга ишора қилади: “Ҳув тоғларни кўряпсизларми, бу ердан тахминан 80-90 чақирим узоқликда, денгиз сатҳидан 3253 метр баландликда ҳаракатдаги Ҳасантоғ ва Эржиестоғ (3917 м) вулқонлари бор”.

6

Андижон иқтисодиёти: янги ўсиш нуқталари сари

Бугун Андижонда иқтисодий ривожланиш янги босқичга чиқмоқда. Аҳолиси 3,5 миллиондан зиёд, ер ресурслари эса чекланган вилоят учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш жуда муҳим.



Актам ХАИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси раҳбари

Ўзгаришлар иқтисодий кўрсаткичларда ҳам кўриниб турибди. Йилнинг биринчи ярмида ҳудудда ижобий ўсиш кузатилди – иқтисодиёт 8,8 саноат 9,2 хизматлар соҳаси эса 16,1 фоизга ўсди. Инвестициялар ҳажмининг 8,9 фоизга кўпайиши янги корхона ва ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилаётгани, бизнес фаоллик ошаётганидан далолат.

Президентимизнинг ушбу вилоятга ташрифи доирасида ишга туширилган ва қурилиши бошланган 206 та инвестиция лойиҳаси ҳам келгуси ўсиш нуқталаридир. Уларнинг умумий қиймати 9,4 млрд доллар бўлиб, 98 та лойиҳа 2,05 млрд долларлик инвестиция билан ишга туширилган, яна 108 тасининг 7,35 млрд долларлик қисми бўйича қурилиш бошланган. Энг муҳими, улар биргина саноатга эмас, энергетика, машинасозлик, тўқимачилик, қурилиш, фармацевтика, логистика, туризм, таълим ва тиббиёт каби ўзаро боғлиқ тармоқларга йўналтирилган. Бу эса вилоят иқтисодиётини бир нечта йўналишга таяниб, барқарор ва диверсификацияланган тизим сифатида ривожлантириш имконини беради.

Уларнинг тўлиқ амалга оширилишидан 45 мингдан зиёд иш ўрни, йилига 60,6 трлн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 533 млн долларлик экспорт салоҳияти яратилади. Бу Андижон учун оддий инвестиция ҳажмидан кўра кенгроқ имкониятни англатади: маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, янги технологик занжирларни шакллантириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун янги иқтисодий база пайдо бўлади. Электр автобуслари, қуёш панеллари, микрогидроэнергетика ускуналари, мебел ва чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш кабилар ҳам саноатнинг таркибий жиҳатдан янгиланаётганини кўрсатади.

Андижоннинг иқтисодий салоҳиятини тўлиқ ишга солиш фақат янги корхоналар сонини кўпайтириш билан ўлчанмайди. Ҳар бир инвестиция ҳар бир гектар ердан кўпроқ қиймат олиш, юқори даромадли иш ўрни яратиш ва тадбиркорлик учун янги имконият очиши керак. 206 та лойиҳа доирасида шаклланаётган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қувватлари ҳудуднинг мавжуд саноат тажрибаси, тадбиркорлик салоҳияти ва инсон капитали билан уйғунлашса, ўсиш янада кенгаяди. Пировард натижада бу жараён маҳаллалар ҳаётига кириб бориб, аҳоли фаровонлигини юксалтиради.

Ташриф доирасида ўтказилган йиғилишда ҳудуд иқтисодиётини янада ривожлантириш, инвестицияларни кўпайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли даромадларини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгиланди. Иқтисодий ўсиш суръатларини янада ошириш, унинг самарасини аҳоли ҳаётида акс эттириш устувор вазифа этиб белгиланмоқда. 2027 йилда иқтисодий ўсиш суръатларини камида 10 фоизга етказиш, 5 млрд доллар миқдорида инвестиция жалб қилиш, экспорт ҳажмини 1,5 млрд долларга чиқариш шулар жумласидан.

Тадбиркорликни ривожлантириш, лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтириш бу борада муҳим омил ҳисобланади. Бунда кредит ажратишда фақат гаровга эмас, балки ишбилармоннинг пул оқими, шартнома ва буюртмалари, товар айланмасига ҳам эътибор қаратиш, 500 млн сўмгача бўлган сармояларни бизнес режасиз ажратиш бўйича янги ёндашувлар белгиланди. Мазкур чоралар соҳада фаолликни ошириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Фракциямиз аъзолари ушбу вазифаларнинг жойларда самарали амалга оширилиши, ажратилаётган ресурслардан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши ҳамда ҳар бир лойиҳа ва ташаббуснинг аҳоли манфаатларига йўналтирилишини таъминлаш мақсадида депутатлик ва жамоатчилик назорати механизмларини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратади.

ТАКЛИФ ВА ТАШАББУС

“Бўстоннинг инфратузилма муаммоларини ҳал этиш керак”

Яқинда Бўстон туманида сайловчилар билан учрашдим. Аҳоли менга ўринли таклифлар – ички йўллар, тоза ичимлик суви таъминоти, таълим муассасаларидаги шароитларни яхшилаш талаби билан чиқишди. Халқ депутатлари тумани кенгаши депутатлари билан кўплаб масалаларни жойида ҳал этдик, баъзилари бўйича чоралар белгилаб олдим.

Екатерина СМЕСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Мустақилликнинг 15 йиллиги маҳалласида қарийб 2 700 нафар аҳоли истиқомат қилади, уларнинг асосий даромад манбаи қишлоқ хўжалигидан, иссиқхонада помидор ва бодринг етиштиришдан келади. Мурожаатларининг 55 фоизини ижобий ҳал этдик: касб-ҳунарга ўқитиш истаклари бажарилди, ижтимоий дафтарлар орқали маблағ ажратиш, болани боғчага жойлаштириш учун ваучер олиш бўйича мурожаатларнинг барчаси қаноатлантирилган. Ойгулой Турғунованинг санаторийда саломатлигини тиклаши учун йўлланма ва кийим-кечак хариди учун 2 млн сўмлик ваучер “Саховат ва кўмак” жамғармасидан ажратилди. II гуруҳ ногирони Қобилжон Нурматовга эса тиббиёт бирлашмасида 10 кун даволаниши учун йўлланма ҳадя этилди. 8-мактаб филиалида спорт залига эҳтиёж бор экан, бу масала бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Яккатолликлар мурожаатининг ҳам 68 фоизи ижро этилди. Касб-ҳунарга ўқитиш ва мактабгача таълим ташкилотига болани жойлаштириш учун ваучер олиш талаблари 100 фоиз бажарилди, соғлиқни тиклаш, алимент қарздорлигини ундиришга кўмаклашилди.

Энди долзарб масалаларга ўтаман: Бўстонда қарийб 81,9 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 30 фоизи туман марказида яшайди, аҳолининг йиллик ўсиши ўртача 1,6 минг. Туман марказида 48 та кўп қаватли турар жой ҳамда давлат ташкилотларига тегишли 22 та кўп қаватли бино мавжуд. Энг долзарб инфратузилма муаммоларидан бири марказлашган канализация тизимининг мавжуд эмаслиги бўлиб, ҳудудни янада ривожлантиришда қатор қийинчиликни юзага келтирмоқда. Йирик қурилиш ва саноат лойиҳаларини тўлиқ амалга ошириш, шунингдек, шаҳар инфратузилмасини кенгайтириш учун мазкур масалани ҳал этиш зарур.

Шу нуқтаи назардан режалаштирилаётган “Bo‘ston city” лойиҳаси алоҳида аҳамият касб этади. Янги турар жой ва жамоат комплекси барпо этиш режалаштирилган 16 гектарлик ушбу ҳудуд пахта қабул қилиш, тозалаш ва қайта ишлаш корхонаси чиқарилгандан сўнг бўшайди. Лойиҳа доирасида қарийб 3 минг оила учун 102 та кўп қаватли турар жой биноси қурилади, 200 га яқин хизмат кўрсатиш объекти ва 500 га яқин иш ўрни яратилади. Яъни бир вақтнинг ўзида уй-жой фонди кенгаяди, хизматлар соҳаси ривожланади ва аҳоли бандлиги ошади.



Лойиҳани амалга ошириш учун, аввало, муҳандислик инфратузилмасини барпо этиш муҳим. Хусусан, 3 гектар майдонда тозалаш иншоотини қуриш ва 10,5 км канализация тармоғини тортиш учун республика бюджетидан 60 млрд сўм ажратиш таклиф этилди. Масалани ҳал этишда тегишли республика идораларининг иштироки даркор. Шу мақсадда Иқтисодиёт ва молия ҳамда Қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги вазирликлари билан ҳамкорликда лойиҳани молиялаштириш имкониятлари ва уни амалга оширишнинг кейинги босқичларини белгилаш назарда тутилмоқда.

2003 йилдан буён туманда фаолият юритиб келаётган “Rash milk” корхонасида ҳам ўрганиш олиб борилди. Корхона сут ва гўштни қайта ишлашга ихтисослашган, 60 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқаради, 20 дан ортиқ бўлим фаолият юритади, 180 нафардан зиёд маҳаллий аҳоли доимий иш билан банд. Корхонани куз-қиш мавсумида газ ва электр энергияси билан барқарор таъминлаш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Зеро, ишлаб чиқариш жараёни энергия ресурсларининг барқарор етказиб берилишига бевосита боғлиқ бўлиб, қувват ва иш ўринларини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга.

3-МТТ ҳамда 2 ва 48-мактабларнинг ҳолати ва қуввати аҳолининг бугунги эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бермаётгани сабабли таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва моддий-техник базасини яхшилаш зарур. Ушбу объектларни 2027 йилга мўлжалланган инвестиция дастурларига киритиш ҳамда республика бюджетидан маблағ ажратишни таклиф этаман.

Хуллас, бўстонликларнинг мурожаатлари ва ҳудуднинг келгуси ривожи бир-бири билан бевосита боғлиқ. Саховат ва кўмакка муҳтож юртдошларимизнинг оғирини енгил қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ва айниқса, “Bo‘ston city” каби стратегик инфратузилма лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш Бўстоннинг иқтисодий салоҳиятини янги босқичга олиб чиқади.

Депутатлик сўровлари ва таклифлари орқали кўтарилган масалалар, хусусан, канализация тизимини барпо этиш, таълим муассасаларини инвестиция дастурларига киритиш ҳамда корхоналарни энергия билан узлуксиз таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда ўз ижобий ечимини топади. Чунки халқ розилигига эришиш ва туман аҳолиси учун муносиб турмуш шароитини яратиш олий мақсадимиздир.



Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИКЛАРИ ОЧИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти ва одамларни ўйлантираётган масалалар билан яқиндан танишиш ҳамда истиқболдаги устувор вазифаларни белгилаш мақсадида вилоятларга ташриф буюриши анъанага айланди. Ҳар бир ташриф ҳудуд тараққиётига янги суръат бағишлаб, йирик лойиҳалар, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларига кенг йўл очмоқда.

Андижон вилоятига навбатдаги ташриф ҳам ана шундай кўтаринки руҳда ўтди, ҳудуд аҳлининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, уларни янги марралар сари руҳлантирди. Зеро, давлатимиз раҳбари қаерга бормасин, ким билан мулоқот қилмасин, аввало, одамларнинг дарду ташвиши, орзу-интилишларига алоҳида эътибор қаратди. Самимий мулоқотларда халқимизга бўлган юксак меҳр ва эътибор яққол намоён бўлди.

Мен ҳам Андижон фарзанди сифатида мазкур тадбирларда бевосита иштирок этиб, тарихий жараёнларга гувоҳ бўлганимдан мамнунман. Айниқса, бугун вилоятда кечаётган янгиланишлар халқ ҳаёти ва тафаккурида ҳам чуқур акс этаётир.

Дарҳақиқат, бу ерда қисқа даврда амалга оширилган катта ишлар кўламини ҳис қиласиз. Кенг қамровли ислоҳотлар натижасида нафақат иқтисодиёт ва инфратузилма, балки одамларнинг дунёқараши, турмуш тарзи ва эртанги кунга ишончи ҳам ўзгармоқда. Йиллар давомида аҳолини қийнаб келган кўплаб масалаларга ечим топилди. Янгидан-янги корхоналар ташкил этилди, иш ўринлари кўпайди, тадбиркорлик учун имкониятлар кенгайди, маҳалла ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди.

Сўнгги ўн йилда вилоятга республика бюджетидан 20 трлн, банклар томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 90 трлн, биргина жорий йилда аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида 6 трлн сўм ажратилди. Натижада янги ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилди, тадбиркорлик янада ривожлантирилиб, қўшимча иш ўринлари очилди. Фаол ислоҳотлар самараси вилоятнинг иқтисодий кўрсаткичларида яққол намоён бўлмоқда.

Айниқса, Андижон халқаро аэропортида амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишларни тилга олмасдан илож йўқ. Бир пайтлар имконияти нисбатан чекланган ҳаво дарвозаси бугун замонавий инфратузилмага эга йирик транспорт масканига айланмоқда. Йирик мажмуани реконструкция қилиш лойиҳасининг умумий қиймати 1,1 трлн сўмни ташкил этиб, биринчи босқичда аэропорт инфратузилмаси тубдан янгиланди. Учиш-қўниш йўлаги 3,3 км гача узайтирилиб, кенглиги 60 метр бўлган янги 4E тоифали йўлак барпо этилди. Бу эса улкан ҳаво кемаларини қабул қилиш имкониятини сезиларли даражада оширади.

Президентимиз ташрифни айнан ушбу йирик объектда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишишдан бошлаб, замонавий терминал биносини белгиланган муддатда ва сифатли қуриб битказиш бўйича вазифалар берди. Бу, ўз навбатида, вилоятнинг транспорт-логистика имкониятларини янада ривожлантиришга туртки беради, Андижоннинг иқтисодий ва сайёҳлик жозибадорлигини янада оширади.

Балиқчиликни ривожлантириш, соҳага замонавий технология ва илғор ишлаб чиқариш ҳам кенг жорий этилмоқда. Балиқчи туманида фаолият юритаётган “Chinobod real biznes” корхонасининг балиқ етиштириш лойиҳаси ана шундай истиқболли ташаббуслардан биридир. Умумий қиймати 30 млрд сўм бўлган лойиҳа доирасида кўплаб иш ўринлари яратилган. Икки гектар майдонда ташкил этилган замонавий мажмуада йилига 200 тонна балиқ гўшти ва 2,5 млн дона балиқ чавоғи етиштирилади. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми ҳазилакам рақам эмас – 50 млрд сўм. Мажмуада интенсив технологиялардан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Анъанавий усулдаги 100 гектарлик ҳавзаларда етиштириладиган ҳажмга тенг маҳсулот олиш имкони яратилгани ер ва сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш баробарида, ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳам оширмоқда. Форель чавоқлари нафақат ички бозор, балки хорижда ҳам харидорини топган, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистонга экспорт қилинмоқда.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилиш эса ҳудуддаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, янги лойиҳаларни амалга ошириш, энг муҳими, одамлар фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликда йирик комплексларни кўпайтириш бўйича белгиланган вазифалар, аввало, ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва нархлар барқарорлигини сақлашга имкон беради. Масалан, Улуғнорда пахтадан озуқа экинларига ўтказилган 5 минг гектар майдонда камида 10 минг бош қорамол боқиш мумкин. Ёки бўлмаса дала четларидаги ерлардан самарали фойдаланиш орқали ҳам чорвачиликни кенгайтирса бўлади. Йил якунигача шундай майдонларнинг камида 200 гектарида чорва боқиш учун шароит яратилиши, Улуғнор ва Бўстонда йирик чорвачилик комплекслари лойиҳаларини ишлаб чиқилиши мустаҳкам озуқа базасини яратиб, соҳанинг барқарор ривожига янги суръат беради. Қорамоллар сонининг кўпайиши эса гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, ички бозор таъминотини яхшилайди. Улуғнордаги 1 200 гектар майдонда Балиқчи тумани тажрибаси асосида балиқчилик кластери ташкил этилиши соҳани янги босқичга олиб чиқади.

Ўзим ҳам андижонликман. Ҳар ойнинг охирги ҳафтасида халқ билан мулоқот қилиш мақсадида ҳудудларда бўлиб, сайловчилар билан учрашаман. Ҳар гал бирор ўзгариш ёки янгиланишнинг гувоҳи бўламан: яқин-яқингача ёшлар иш излаб хорижга кетишар эди, бугун улар оиласи бағрида яшаб, ўз маҳалласида меҳнат қилмоқда, даромад топмоқда. Айтинг-чи, бундан ортиқроқ бахт борми?!

O‘zLiDePнинг парламентдаги вакили вазирликлар олдига ўткир масалаларни қўймоқда:

“БАЛИҚЧИ ТУМАНИ БЎЙИЧА ЮЗЛАБ ОИЛАЛАРГА ЁРДАМ БЕРАДИГАН ЕЧИМЛАР БОР”



Муқаддасхон АҲМЕДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Президентимиз Андижон вилоятига ташрифида белгилаган вазифалар мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсадини яна бир бор намоён этди. Бу мақсад инсон манфаатлари ва халқ фаровонлигини таъминлаш бўлиб, “Инсон қадри учун” тамойили бугун амалий фаолиятимизнинг ўлчовига айланмоқда.

Ислоҳотларнинг самараси аҳоли кайфиятида, унинг ҳаётидаги ўзгаришларда кўриниши лозим. Бунинг учун маҳаллабай ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳар бир оиланинг муаммосини аниқ ўрганиб, унга манзилли ёндашиш муҳим. Сайловчилар билан учрашувлар, маҳаллаларда ўтказилган сайёр қабуллар чоғида Балиқчи туманида ечимини кутаётган қатор масалалар аниқланди. Уларнинг айримлари туман ёки вилоят доирасида эмас, балки республика даражасида ҳал этилишини тақозо қилади. Шу боис бу масалалар юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқдик.

Камбағалликдан чиқишнинг ишончли йўли

Туманимизда кунлик даромад топиб рўзғор тебратаётган камбағал оилалар оз эмас. Улар меҳнат қилади, бироқ даромади норасмийлигича қолмоқда. Бу эса келгусида пенсия, ижтимоий кафолат ва имтиёзли кредитлардан фойдаланиш имкониятини чеклайди. Шу боис *камбағал оилалар аъзоларини ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказишда ижтимоий солиқ тўловидан озод этиш, яъни бепул ўзини ўзи банд қилиш тартибини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.*

Бу масала Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан ҳал этилиши мумкин. Мазкур чора бюджетдан қўшимча маблағ талаб қилмайди, аммо кўплаб оилаларнинг даромадини норасмийдан расмий кўринишга ўтказиб, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиради.

Қуёш энергияси фермер учун қулай бўлиши керак

2025 йилда туман фермер хўжаликларига қуёш панеллари ўрнатиш учун йиллик 14 фоиздан 5 йил муддатга имтиёзли кредитлар ажратилган эди. Бироқ 2026 йил февраль ойидан бундай сармоялар бериш тўхтатилди. Ҳозир фермерлар тижорат банкларидан гаров асосида йиллик 24 фоиздан кредит олишга мажбур бўлишмоқда. Фоиз юқорилиги сабабли қуёш панелларига талаб камайиб бормоқда. Шу боис *Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банк томонидан 14 фоизли имтиёзли кредитлашни қайта тиклашни таклиф қиламиз.* Натижада 50 дан ортиқ фермер хўжалигининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи қондирилади, қўшимча энергия ишлаб чиқарилиб, вегетация даврида электр энергияси тежалади.

Яна бир масала суғориш насосларига ўрнатилган қуёш панеллари билан боғлиқ. Панелдан олинган ва давлат тармоғидан истеъмол қилинган электр энергияси ўртасидаги фарқни расмийлаштириш учун фермер хўжалиги раҳбарлари Андижон ҳудудий электр таъминотининг филиалига қатнашга мажбур бўлмоқда. Бу ортиқча оворагарчилик ва вақт йўқотишдир. *Таклифимиз – ушбу иккинчи манбадан олинаётган электр энергияси ҳисобини дастурий таъминот орқали интеграция қилиш.* Қишлоқ хўжалиги, Сув хўжалиги ва Энергетика вазирликлари ҳамкорлигида бу тизимни йўлга қўйиш фермерларнинг вақтини тежаб, иш унумдорлиги ва самарадорлигини оширади.

Хизматлар ва саноат – янги иш ўринлари манбаи

Давлат раҳбари раислигида жорий йилнинг 13 февраль куни ўтказилган йиғилишда хизматлар соҳаси ҳажмини 100 млрд доллардан ошириш ва ўсиш суръатини 17 фоизга етказиш вазифаси қўйилган эди. Бу борада туманда салоҳият катта. Жумладан, Серқуёш маҳалласидаги оқиб ўтувчи Қорадарё қирғоғидаги бўш ерларда замонавий дам олиш – кемпинг масканлари ва қайиқда сайр қилиш хизматини ташкил этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа учун республика бюджетидан 3,1 млрд сўм ажратилса, 10 нафар фуқаро иш билан таъминланади, бюджетга 300 млн сўм қўшимча даромад тушади.

Сарнавул маҳалласида эса саноат ҳудуди шаклланмоқда: йил якунига қадар бу ерда 10 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилади. Президентимизнинг 2026 йил 16 февралдаги тегишли қарорида ушбу ҳудуд учун 1,5 км ичимлик суви ва 1,5 км канализация тармоғи тортиш назарда тутилган. Бироқ корхоналардан чиқадиган оқова сувларни тозалаш иншооти, қўшимча 1,8 км канализация тармоғи ва битта ичимлик суви қудуғи қарорга киритилмаган. Бу харажатлар учун 10 млрд сўм зарур. Маблағ республика бюджетидан ажратилса, оқова сувлар ўз вақтида олиб чиқилади, мингдан ортиқ ишчи доимий ичимлик суви билан таъминланади. Масалани “Ўзсувтаъминот” АЖ ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан ҳамкорликда ҳал этиш айни муддао.

Замонавий технология – ҳосилдорлик гарови

Бугун экинларни баргидан озиқлантириш, касаллик ва зараркунандаларга қарши ишлов беришда асосан қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланилади. Техника дала бўйлаб юрганда ўсимликлар пайҳон бўлади, нобудгарчилик кўпайиб, ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади. Дронлар эса бу муаммони бартараф этади: керакли моддалар аралашмаси ўсимликларга бир хил меъёрда, тенг тақсимланади, сарф-харажат камаяди. *Шу мақсадда Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш жамғармаси ҳисобидан 1,2 млрд сўм ажратиб, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар маркази билан ҳамкорликда туманда дронлардан фойдаланишни кенг жорий этишни таклиф этамиз.*

Йўл – ҳаёт томири

Аҳолини энг кўп қийнаётган масалалардан бири – йўл. Президентимизнинг 2022 йил 18 майдаги **“Цемент-бетон қопламали автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”** ва Вазирлар Маҳкамасининг ўша йилдаги тегишли қарорларида 60V086 Олимбек – Эшон – Сулаймонбек автомобиль йўлининг 5–11-километрлари оралиғидаги 6 километрлик қисмини халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан цемент-бетон қопламали қилиб қуриш белгиланган. Вилоят автомобиль йўллари бошқармаси манзилли дастурни тасдиқлаган, лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Ишларни 2024–2026 йилларда тўлиқ якунлаш учун эса 20,5 млрд сўм талаб этилади.

Ушбу маблағни жорий йилда ажратиш масаласини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлиги олдига қўймоқдамиз. Йўл битса, Ўрмонбек, Чароғон, Зулфиқор, Халфачек, Эшончек ва Олимбек маҳаллаларида яшовчи 20 мингдан ортиқ аҳоли, шунингдек, қўшни Улуғнор ва Бўстон туманларидан қатновчи ҳайдовчилар учун катта қулайлик яратилади.

Таклиф ижросигача парламент назорати

Мазкур таклифларнинг айримлари бюджетдан маблағ талаб қилмайди, қолганлари эса нисбатан кам харажат эвазига катта ижтимоий самара беради.

Энг муҳими, уларнинг ҳар бири ортида маҳалла, оила ва инсон манфаати турибди. Депутат учун сайловчилар билан очиқ мулоқот, уларнинг таклифларини қонунчилик ва назорат фаолиятида инобатга олиш ҳам шарафли, ҳам масъулиятли вазифадир. Шу боис ушбу таклифларнинг тегишли вазирлик ва идоралар томонидан кўриб чиқилиши ва ижросини парламент назорати воситалари, жумладан, депутатлик сўрови орқали изчил кузатиб бораман.

ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ



Ўктамжон АХУНОВ,
Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгаши депутати, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи кексаю ёш, барча қатлам вакилларини беҳад қувонтирди. Чунки ўзимиз ф ҳудудларимизда содир бўлаётган тарихий ўзгаришлар, улкан ислоҳотларга гувоҳмиз.

Шаҳар ва қишлоқларимиз йил сайин обод бўлиб боряпти, одамларнинг турмуш даражаси, яшаш тарзи кескин ўзгаряпти. Энди илм билан маданият, ишчанлик билан тадбиркорлик ҳамоҳанг ҳолда ҳаётимиз тамойилига айланмоқда.

Давлатимиз раҳбари бизлар билан мулоқот қилар экан, энг аввало, вилоятимизда инсон қадр-қиммати юксалаётганидан мамнун эканликларини билдирди. Қолаверса, иқтисодий жараёнлар тезлашаётгани, инвестицияларнинг ҳудудлар ривожига таъсири, аграр тармоқ ва саноатдаги ютуқлар, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг йирик корхоналар билан кооперацияси тобора кенгаяётгани, янгидан янги истиқболли лойиҳаларга старт берилгани бежиз эмас.

Олдинда эса янада каттароқ марралар турибди. Насиб этса, барчамиз ҳамжиҳатликда Андижонимиз нуфузини ошириш йўлида курашаверамиз.

Андижонда бугун ўзгаришларнинг кўламига эмас, натижасига қараб фикр юритиш учун асос бор. Янги ишлаб чиқариш корхоналари, замонавий инфратузилма, йирик инвестиция лойиҳалари, туризм масканлари – буларнинг ҳар бири ҳудуд иқтисодиётида янги нуқталарни белгиламоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига ташрифи давомида ана шу жараёнларни янада жадаллаштириш, мавжуд имкониятларни ишга солиш ва энг муҳими, иқтисодий ўсишни аҳоли даромадлари ва фаровонлигида намоён этишга қаратилган вазифалар белгилаб берилди.

Масалан, саноатдаги ўзгаришларни Андижон туманидаги “Eco Cotton” корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Корхонага 10 миллион доллар инвестиция киритилиб, 1 мингта доимий иш ўрни яратилган. Бу ерда маҳаллий пахта хомашёси чуқур қайта ишланиб, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Автоматлаштирилган ускуналар ва рақамли бошқарув тизимларидан фойдаланиш билан бирга, сунъий интеллект имкониятлари ҳам ишлаб чиқариш жараёнига кириб келмоқда. Кадрлар тайёрлашда дуал таълим тизимининг йўлга қўйилаётгани эса корхона эҳтиёжи билан таълим жараёнини боғлашга хизмат қилади.



Бу каби ишлаб чиқаришнинг иқтисодий аҳамияти хомашёни эмас, қўшилган қиймати юқори тайёр маҳсулотни кўпайтиришда. Бу эса иш ўринлари билан бир қаторда экспорт салоҳиятини ошириш имконини ҳам беради.

Андижоннинг иқтисодий имкониятлари саноат билан тугамайди. Вилоятнинг тарихи, миллий таомлари ва маданий анъаналари туризм учун ҳам ўзига хос имконият яратади.

Андижон шаҳрининг Ўрикзор маҳалласида ташкил этилган гастрономик туризм кўчаси бу имкониятни тадбиркорлик билан боғлашга қаратилган. Узунлиги 1,2 километр бўлган кўчада савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, пиёдалар ва велосипед йўлаклари, спорт ҳамда дам олиш масканлари барпо этилган. Бу ерда 100 та янги иш ўрни яратилган, ҳудуд кунига 10 мингдан зиёд аҳоли ва сайёҳни қабул қилиш имкониятига эга.

Миллий таомлар, хизмат кўрсатиш ва сайёҳликни бир нуқтада бирлаштирган бундай лойиҳалар кичик бизнес учун ҳам янги имконият демакдир. Чунки туризмнинг иқтисодий самараси фақат меҳмонхона ёки сайёҳлик компанияси билан чекланмайди: умумий овқатланиш, савдо, ҳунармандчилик, транспорт ва бошқа хизмат турлари ҳам бундан даромад олади.

Андижонликлар олдида турган энг муҳим вазифа фақат иқтисодий кўрсаткичларни ошириш эмас. Масаланинг асосий томони – бу ўсишнинг аҳоли ҳаётида қандай акс этиши. Янги корхона қанча иш ўрни яратяпти? Иш ўрнининг даромади қандай? Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қанча қисми тайёр маҳсулот сифатида бозорга чиқяпти? Экспортдан ҳудуд иқтисодиёти қанча манфаат кўряпти? Туризмдан маҳаллий тадбиркорнинг даромади ошяптими? Тараққиётнинг амалий натижаси ана шу саволларга берилган жавобда намоён бўлади.

Президентнинг вилоятга ташрифи давомида саноат корхоналари, кичик бизнес субъектлари, қишлоқ хўжалиги лойиҳалари, сунъий интеллект маркази ва туризм объектларига эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас. Чунки Андижон иқтисодиётининг келгуси ўсиши биргина тармоққа эмас, бир-бирини тўлдирувчи бир неча йўналишга таянади. Саноат қўшилган қиймат яратади, логистика маҳсулотни бозорга олиб чиқади, туризм хизматлар соҳасини кенгайтиради, замонавий технологиялар эса уларнинг самарадорлигини оширади.

Бугун Андижонда бошланган ишлар ана шу занжирни мустаҳкамлашга қаратилган. Аэропортнинг янги имкониятлари ҳудудни ташқи бозорлар билан боғлайди. Йирик инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқариш ва бандликни кенгайтиради. Замонавий корхоналар хомашёни қайта ишлаб, юқори қўшилган қийматли маҳсулот яратади. Туризм объектлари эса хизматлар бозори ва кичик бизнес учун янги даромад манбаларини очади.

Шу маънода Андижонда белгиланган вазифаларни бир-биридан алоҳида лойиҳалар эмас, ягона иқтисодий мақсаднинг турли бўғинлари сифатида кўриш мумкин. Мазкур мақсад мавжуд салоҳиятни ишга солиш, янги қиймат яратиш ва бу жараённи аҳоли даромадларининг ўсиши билан боғлашдан иборат. Андижоннинг кейинги тараққиёт босқичи ҳам, аввало, шу натижалар билан ўлчанади.

Гавхор СУВАНОВ,
Ўзбекистон фермерлари кенгаши бўлим бошлиғи

Тараққиётни рақамлар эмас, натижа белгилайди

Тадбиркорнинг замони келди...

Тадбиркор учун энг муҳим масалалардан бири барқарор ва тушунарли ишбилармонлик муҳитидир. Корхона фаолиятини кенгайтириш, янги ускуналар харид қилиш, қўшимча иш ўринлари яратиш ёки янги бозорга чиқиш режасини тузаётган тадбиркор, аввало, эртанги кунига ишонч билан қараши керак. Шу жиҳатдан ҳар қандай муаммони жойида ўрганиш, амалий таклифларни тинглаш ва муаммоларни ҳал этишга қаратилган тизимли ёндашув бизнес фаоллигини янада оширади.

Ботиржон ҚОДИРОВ,
Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгаши депутати, тадбиркор

Менимча, бугунги иқтисодий жараёнларда тадбиркорнинг вазифаси фақат ўз бизнесини ривожлантириш билан чекланмайди. Ҳар бир янги лойиҳа ортида янги иш ўринлари, оилалар даромади, маҳаллий бюджетга тушумлар ва ҳудуд иқтисодиётига қўшилаётган ҳисса туради. Шунинг учун тадбиркорлик ташаббусини қўллаб-қувватлаш бир вақтнинг ўзида бандлик ва фаровонлик масаласига ҳам эътибор қаратиш демакдир.

Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи доирасида белгиланган вазифалар бизлар учун ҳам янгидан янги режа ва мақсадларни белгилаб берди. Ишончим комилки, ташаббускорлик, масъулият ва меҳнат билан Андижоннинг тадбиркорлик салоҳиятини янада юқори босқичга олиб чиқамиз.



1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Меҳр нури, илм қўри ёғар доим...

Ўзим асли фермер оиласида туғилиб ўсганман. Отам бизнинг таълим-тарбиямиз ва келажагимиз ҳақида сўз очилгудек бўлса, бир гапни кўп такрорлар эди: “Қизим, ҳар бир одам ўз мақсади сари интилар экан, маррага етиш ҳеч қачон осон бўлмайди. Ғалаба ва ютуқлар ҳар доим машаққату синовлар ортида туради”.

Йиллар ўтиб, бу ҳаётий ҳикматлар келгуси тақдиримни белгилаган мезонга айланганини англадим. Олий ўқув юртида ўқиган йилларимда турли синов ва машаққатларни бошдан кечирар эканман, инсонни маррага етаклайдиган куч нафақат унинг интилиши, балки унга ишонган, қўллаб-қувватлаган инсонлар эканини ҳис қилдим. Шу боис бугун Ўқитувчи ва мураббийлар байрами куни билан, аввало, ота-онамга, оиламга ва илм йўлида йўл кўрсатган азиз устозларимга таъзим қиламан. Барчаларини чин юракдан қутлайман!

Инсоннинг касб танлови кўпинча болаликдаги бир китоб, бир суҳбат ёки устознинг нондек ширин сўзидан бошланади. Ўзимдан қиёс: мактабда ўқиб юрган кезларим Чингиз Айтматовнинг “Биринчи муаллим” қиссасидан қаттиқ таъсирланганим ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди. Асардаги устознинг шогирди тақдирига бефарқ бўлмагани, унинг келажагига ишонгани менга катта таъсир қилган. Ўшанда иншо ёзаётиб: “Насиб этса, мен ҳам келажакда муаллима бўламан”, деганман...

Бугун ўша болаликдаги орзум рўёбга чиққанидан шукрона қиламан. Педагогликдек шарафли ва масъулиятли касб соҳиби бўлиш бахти менга ҳам насиб этди.

Жадид боболаримиз муаллимни миллат тарбиячиси, маърифат шамчироғи деб бежиз таърифламаган. Абдурауф Фитрат “Оила” асарида инсон ҳаётини кураш майдонига қиёслаб, бу майдонда ғолиб бўлиш учун саломатлик, соғлом фикр ва пок ахлоқ зарурлигини таъкидлайди. Ана шу фазилатларни фарзанд қалбига сингдиришда оила билан “Тақдирин қўл билан яратур одам” деган ўтли сатрларини эслатаман, руҳлантираман. Чунки ҳар бир устознинг, муаллимнинг ҳақиқий маҳорати шогирдлари юрагида ана шундай курашчан туйғуни уйғота олишига боғлиқ.

Ота-онамнинг китобга, мутолаага меҳр уйғотиш йўлидаги ҳаракатлари ҳамон ёдимда. Улар ўзлари ўқиган бадиий асарлар



бир қаторда устознинг ҳам ўрни беқиёс.

Зеро, устоз фақат дарс бермайди, у боланинг ўз кучига ишонишига сабаб бўлади. Баъзан бир оғиз “Сендан яхши мутахассис чиқади”, деган ишонч бутун бир умрга татийди. Ёки аксинча, эндигина ниҳол янглиғ ўсиб келаётган мурғак болага “Эҳ, сен одам бўлмайсан, ҳеч нарсага қизиқишинг йўқ, иқтидорсизсан” дея айтилган танбеҳ уни бир умр руҳий ярадор қилиши мумкин. Бугун ўзим ҳам устозман, университетимизда таҳсил олаётган ҳар бир талабага шоир Ғафур Ғуломнинг ҳақида бизга завқ билан сўзлаб беришарди. Бугун педагог сифатида англаяпманки, болага китоб ўқишни буюришдан кўра унда китобга меҳр-муҳаббатни сингдириш муҳим. Таълим ҳам мажбурият эмас, эҳтиёж ва қадриятга айлангандагина инсон ҳаётини ўзгартиради.

Бугун ўзим фаолият юритаётган Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университетида, айниқса, хотин-қизлар билан бўладиган суҳбатларимизда таълимни инсоннинг ўз имкониятларини кашф этиш жараёни сифатида тушунтиришга ҳаракат қиламан. Эътироф этиш керакки, бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг таълим олиши, илм-фан билан шуғулланиши, замонавий касбларни эгаллаши ва ўз ғояларини рўёбга чиқариши учун имкониятлар кенгаймоқда.

Университетимизда билимга ташна хотин-қизларнинг педагогик таълимга оид ғояларини ўрганамиз, уларни қўллаб-қувватлаймиз ва муаммоларига ечим излаймиз. Негаки, ҳар қандай катта-кичик илмий натижа кимнингдир қалбида туғилган биргина саволдан бошланади-да. Бугунги устознинг вазифаси ҳам тайёр жавоб бериш билан чекланмайди. У ўқувчи ва талабада савол бериш, изланиш, мустақил фикрлаш ва ўз йўлини топиш эҳтиёжини шакллантириши керак. Менимча, педагоглик касбининг энг катта мукофоти – йиллар ўтиб, шогирдингизнинг “Сизнинг биргина далдангиз, қўллаб-қувватловингиз менга куч, ирода берган”, деган сўзини эшитиш бўлса керак.

Азиз устозлар!

Сизларнинг меҳнатингиз самараси баъзан дарҳол кўзга ташланмайди. Аммо йиллар ўтиб, шогирдларингизнинг ютуқлари, элга қўшган ҳиссаси ва эзгу ишларида ўз аксини топади. Шу боис устоз меҳнати – келажакка қилинган энг улуғ сармоядир.

Зеро, ўқитувчи ва мураббийларнинг энг катта ютуғи, бахти-саодати – ўзидан кейин илмга, эзгуликка ва Ватанга хизмат қиладиган фидойи, жасоратли авлодни қолдиришдир.



Феруза ЙЎЛДОШЕВА,
Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети ректорининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, PhD, доцент

МУАММО

Мажбурий тирбандлик

ёхуд йўл четида “ухлаётган” уловлар



Узоққа бормайлик, атиги ўн йиллар аввал йўлларда асосан “КАМАЗ”, “МАЗ”, “ЗиЛ” каби эски русумдаги юк машиналари учрарди, холос. Уларнинг қаттиқ, ёқимсиз овози бир чақирим узоқдан эшитилар, ёнингиздан ўтиб кетганида димоғингизни аччиқ тутун қоплаб, нафас ололмай қолардингиз.

Ҳозир бундай юк машиналарини чека қишлоқларда онда-сонда учратасиз, кўпчилиги “умрини яшаб бўлган”. Йил эмас, ой эмас, кун сайин тезкор ривожланиш босқичига кирган давлатимиз йўлларини аллақачон энг сўнгги русумдаги юк уловлари ишғол қилган. Хорижий давлатларда ишлаб чиқарилаётган турли русум ва ҳажмдаги юк ташишга мўлжалланган машиналарнинг аксари хусусий мулк, яъни тадбиркорларга тегишли. Каттаю кичик қурилиш фирмалари тураржой ёки бошқа йирик лойиҳалар учун биноларни бунёд этишда ўз илкидаги юк машиналарининг тезкорлиги, истаган миқдорда юк тортиш қувватига эгалигидан унумли фойдаланаётган бўлса, саноат корхоналари ва ҳатто фермерлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларини мижозларларига вақтида, сифатли етказишда ҳам қўл келмоқда.

Ҳазорасплик қадрдонимиз, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ёқуббой Жумабоев ўтган йили гап орасида айтиб қолганди: “Ўғлим лизинг асосида юк машинаси сотиб олди. Лизингга ҳар ойда эллик миллион сўм тўлайди”. Ҳар ойда эллик миллион сўм тўловни эшитиб ажабланганимизни кўриб, қўшимча изоҳ берди: “Машинаси билан пойтахтдан воҳадаги савдо ташкилотларига юк ташийди. Ҳафтада икки-уч марта Тошкентга бориб келади. Лизинг пулини ҳам тўлаяпти, оиласини ҳам боқяпти”.

Яқинда Ёқуббой билан кўришиб қолганимизда ўғлининг ишларини суриштирдик. “Лизингга олган биринчи машинаси ҳисоб-китобини аллақачон тугатиб, яна битта шундай юк машинаси олди. Ишлари яхши”, деди у хурсанд бўлиб.

Ҳозирда бизнинг қишлоғимизда ҳам тўрт киши қирқ тонна юк ташийдиган замонавий юк машинаси харид қилиб, мижозлари юмушларини бажариб, бой-бадавлат яшаяпти.

Сўнги уч йилда вилоятда узоқ масофаларга юк ташийдиган замонавий машиналар сони бир неча юз бараварга ошди. Бугун магистраль йўлларда ҳаракатланаётган техникаларнинг деярли ўн-ўн беш фоизи юк машиналари. “Урганч–Тошкент” автомобиль йўлининг Қизилқумдан ўтадиган қисмида шундай юк машиналарига хизмат кўрсатадиган шохобчалар қисқа фурсатларда бунёд этилган. Ушбу хизмат шохобчаларида юк машиналари ҳайдовчилари бир нафас тўхтаб, овқатланиш ва дам олишлари учун шароитлар яратилган. Яна ёнилғи қуйиш шохобчалари юклар манзилга тезкор етиши учун *(юклар орасида тез бузилувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам бўлади-да)* юк машиналарига навбатсиз хизмат кўрсатади.

Бугун республикамизнинг энг узоқ ҳудудлари – Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига келтирилаётган турли озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларининг тўқсон фоизи айнан юк машиналарида ташиляпти. Воҳа деҳқонлари етиштирган ҳосил, саноат корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ҳам шунча миқдори айнан юк машиналарида ташиб кетиляпти. Айни дамларда 81 километр узунликдаги “Урганч–Мискин” автомобиль йўлини бетонлаштириш бошлаб юборилган. Замонавий янги йўл сўнгги йилларда ушбу трассада юзага келган ҳаракат босимини юмшатади, юклар манзилларга ўз вақтида етиб боришини таъминлайди.

Ҳаммаси яхши.

Ҳаммаси аъло!

Аммо...

Урганч шаҳридан Ҳазорасп томонга чиқар экансиз, халқ тилида йўлнинг “9-бекат” деб юритиладиган қисмининг салкам бир чақиримининг ҳар икки томонида қаторлашиб турган юк машиналарига кўзингиз тушади. Ушбу йўлнинг Боғот ва Ҳазорасп туманлари чегарасидаги йўл чеккасида ҳам шу аҳвол. Йўлнинг ҳар икки томонида тизилишиб турган юк машиналари шундоқ ҳам транспорт воситалари кўплигидан куннинг маълум вақтларида кутиладиган тирбандликни икки ва уч ҳисса ошириб юборади. Тунда ногоҳ йўл-транспорт ҳодисаси келтириб чиқариши хавфи бир неча баравар ошади. Тўрт қаторли йўлнинг чекка икки қатори юк машиналари билан банд бўлиши машиналар ҳаракатида узилишни ҳосил қилади – мажбурий тирбандлик келтириб чиқаради *(бу ўринда иккита мисол келтириш билан чекландик. Аслида ҳозирда деярли барча йўллар чеккаларида шу ҳолатга дуч келиш мумкин).*

Юк машиналарининг аксари тадбиркорлар ва оддий фуқароларга тегишли бўлиб, бундай машиналар учун махсус тўхташ жойлари йўқлигидан йўлларнинг қатнов кўп қисмларида мажбуран қолдирилган. Йигирма, ўттиз, қирқ тонна юк ташишга мўлжалланган, қўшимча тиркамалари уланган юк машиналарининг ички йўлларда ҳаракатланиши қийинлигидан эгалари уларни ўз хонадони яқинига олиб бориши мушкул. Чорасизликдан катта магистраль йўллар чеккаларини “вақтинча уловлар туриш манзиллари”га айлантиришган.

Йирик ҳажмдаги юк машиналари сони кундан-кунга ошиб бораётган ҳозирги шароитда маҳаллий ҳокимликлар улар учун махсус тураргоҳлар (пуллик тўхташ жойлари) ташкил қилиш вақти келди. Бунинг учун ҳар бир туманда экин экилмайдиган, ташландиқ майдонларни танлаш ва тадбиркорларга махсус тураргоҳлар барпо этиш учун ажратиб бериш қийин иш эмас-ку! Бундай тураргоҳлар учун икки-уч гектарлик майдон кифоя қилади. Акс ҳолда... яқин йилларда “Урганч–Ҳазорасп–Мискин” бетонлаштирилган йўл ишга туширилса, чеккаларда пайдо бўлган мажбуран “вақтинча уловлар туриш манзиллари” тақдири нима бўлиши аниқ – янги, тезкор ҳаракатли бетон йўл бу каби сунъий тўсиқларни инкор этади, албатта чекловлар белгиланади.

...Ва ўз-ўзидан кўп сонли уловлар эгалари қимматбаҳо машиналарини қаерда қўйишади, деган каттагина муаммо туғилади.

Муаммога олдиндан ечим топиш – давр талаби!

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири





ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИ

ЖАМОАСИ

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиздаги барча устозларни самимий муборакбод этади!

Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни турли касб-ҳунарга йўналтириш ва Ватанга муносиб инсонларни тарбиялашдек машаққатли ҳамда шарафли вазифани ҳалоллик билан уддалашингизда ҳамиша омад ёр бўлсин.

Сизларга оилавий хотиржамлик, касбий фаолиятингизда улкан ютуқлар тилаймиз ва заҳматли меҳнатларингиз роҳатини туйиш насиб этсин!

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз муаллим-устозлар!





“Навоий кон-металлургия комбинати”


акциядорлик жамияти жамоаси

Мамлакатимиздаги барча ўқитувчи ва мураббийларни умумхалқ байрами билан чин дилдан қутлайди!

Фидойи ва жонкуяр устозларнинг заҳматли меҳнати, улар берган тенгсиз билим, сингдирган гўзал тарбия ва асосийси, кўрсатган энг тўғри йўллари ҳар биримизнинг нурли келажагимизни белгилашда катта ўрин тутади.

Бугун турли соҳаларда, шу жумладан, кўп минг кишилик аҳил ва меҳнатсевар комбинатимизда ҳам ҳалол хизмат қилиб келаётган устозларимизнинг қадри баланд, обрў-эътибори улуғ.

Сизларни Яратганнинг ўзи ҳамиша қўллайверсин, Янги Ўзбекистонимизда гоят масъулиятли ва шарафли меҳнатларингиз роҳатини узоқ йиллар кўриб юриш насиб этсин!





Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

ЖАМОАСИ

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан барча муаллим-устозларни самимий муборакбод этади!

Азалдан юртимизда устозлар меҳнати юксак қадрланган, уларга каттаю кичик ҳамиша ҳурмат-иззат кўрсатган, эъзозлаган. Устозлик мақомига лойиқ инсонлар бизнинг университетимизда ҳам кўплигидан фахрланамиз. Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида фидойилик намуналарини кўрсатиб ишлаётган ўқитувчи ва мураббийларни ушбу қутлуғ байрам билан чин юракдан табриклаймиз.

Умрингизга умр қўшилаверсин, таълим тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнатларингиз роҳатини кўриб юринг, муҳтарам устозлар!



САЁҲАТНОМА

“САЛОМ” ва “ХАЙР”лар ўртасидамиз

Давоми. Боши ўтган сонда.

Хуршид Дўстмуҳаммадга бағишладим!

ҚАЙДАСАН, ИСТАНБУЛ?!

...Юсуфбей чорлаган Бурса кабобидан ҳам татиб кўрдик. Мақтаса мақтагулик, лекин нархи анча қиммат. Икки киши ўзимизнинг сўмда ҳисобласак, салкам уч юз мингга зўрға тўяди. Ана шундай пайтда ўзбек таомлари ва миллий валютаси қадрини англайди одам.

Яна йўлга отландик. Олдинда эса эртакнамо шаҳар – Босфор бўғози орқали Европа ва Осиё қитъаларини боғлайдиган Истанбул турибди. Дарвоқе, Қора денгиз ва Мармар денгизи туташган ҳудудда жойлашган бу қадим манзил ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин, ҳозир эса айрим маълумотларни келтириш билан кифояланамиз.

Шаҳарнинг қадимда Византия ва Константинопол деб номлангани, тўртта – Рим, Византия, Лотин ва Усмонли империяларининг пойтахти бўлгани ва бир аср аввал Туркия пойтахти Анқарага кўчирилганига қарамай, Истанбул ҳамон мамлакатнинг асосий маркази бўлиб қолаётгани, расмий ва норасмий манбаларга кўра қарийб 16 миллиондан ортиқ аҳоли *(бутун республикада эса 86 ярим миллион киши)* яшаётгани ҳақида автобусдаёқ баҳслар бошланди.

“Хўш, манави гид дермиди, ўзбекчада йўлчивойнинг айтишича, Истанбулда бир ярим кунгина меҳмон бўлар эканмиз ва асосан Аё София масжиди ҳамда Тўпқопи саройини томоша қилишга улгурар эканмиз, яна денгиз сайри ҳам бор эмиш”, деди гулистонлик муаллима аёл ғамгин оҳангда. “Етказганига шукр қилмайсизми, қизим”, дейди ҳозиржавоблик билан бир отахон энсаси қотиб...

Менинг эса бутун хаёлим ҳув ўша 2020 йил айни қиш чилласида, тинмай ёғаётган ёмғирлар остида, коронавирус балоси қутқу солган маҳалда ҳам энг сердаромад соҳа бўлмиш туризмни тўхтатмаган турк қардошларимиз бир гуруҳ журналистлар учун уюштирган ажойиб пресс-турдаги зиёрат манзилларида. Ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди ғаройиб манзаралар: кўчалар, майдонлар деярли бўм-бўш, одам зоти кўринмайди, аҳён-аҳёнда сиреналар чалганча ўтиб-қайтаётган “Тез ёрдам” машиналарини айтмаганда, бизлар бемалол ниқоблар тақволиб, дунёдаги энг қадимий қалъалардан бири Галата минораси, жаҳон меъморчилигининг энг буюк ёдгорликларидан бири Аё София музейини *(ўша вақтда шундай мақомда эди, 2020 йил июлидан бошлаб эса қайтадан масжидга айлантирилди),* шунингдек, турк давлатчилиги бошқарилган марказ ҳамда султонларнинг шахсий буюмлари, қадимий қуроллар, ноёб қўлёзмалар, чинни идишлар ва Ислом оламининг муқаддас осори атиқалари, бир сўз билан айтганда, 65 мингдан кўпроқ экспонатлар сақланадиган йирик мажмуани эрталабдан кечгача томоша қилиб улгуролмадик. Истанбулда яна бир тарихий-маданий манзил борки, бу жойни зиёрат қилмасликнинг сира имкони йўқ. Барпо этилганига уч асрдан кўпроқ вақт бўлган “Ўзбеклар қўналғаси” деб аталмиш мўъжазгина уйда кечган гўзал суҳбатлар ёдимда. Бу гал эса...

СОБИР САЙХОН СОҒИНЧИ

Истанбулга шом тушар-тушмас етиб бордик. Меҳмонхонага жойлашгач, кечки овқатга чорлашди. Менинг фикру хаёлим эса қадрдон қондошимиз, ватандошлик ҳужжатида таваллуд топган жойи Туркистон деб битилган дунёда ягона инсон Собир Сайхон билан дийдорлашмоқ эди.

Асли Марғилон шаҳрига яқин Варзак қишлоғида 1931 йили дунёга келган Собир аканинг таржимаи ҳолини ўқисангиз, юрак орқага тортиб кетади. Тасаввур қилинг, очарчилик, нотинчлик туфайли ўттиз кунлик мурғак чақалоқ маҳали бобо-бувиси, ота-онаси билан муҳожиротга юз тутган: Мозори шариф, Кобул, Покистон, Ироқ, Эрон, Сурия ва ниҳоят 1950 йилдан бери Туркияда яшаб келаётган 95 ёшли Собир Сайхон Ўзбекистон мустақил бўлганидан кейингина она юртига эмин-эркин келиб кетяпти.



2022 йил, июнь. Тошкент.

Мамлакатимизда ўндан ортиқ насрий асарлари чоп этилган адиб бундан икки йил бурун ўлкамизга ташриф буюрганида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири, сенатор Сирожиддин Саййиднинг қўлидан аъзолик гувоҳномасини олганида кўз ёшларини тия олмай, “Бу йил ўттиз тўртинчи бор юртимга келишим, ана энди армоним қолмади. Раҳматли отамиз Холмуҳаммадхўжа, онаизорим Улуғпошша биби умрларининг сўнгги лаҳзасига қадар Ватан, Ватан деб юрак бағирлари тўлиб, дод дея ўзга элларда дунёдан ўтиб кетди. Хайриятки, мен ҳам қаерда яшаган бўлсам, она тилимни унутмадим, Ўзбекистон, Туркистон десалар, жонимни беришга тайёрман”, деганларига гувоҳман. Ундан аввалроқ 2022 йилнинг ёзида ҳам бу ватансевар зот билан кўришиб, газетамизда суҳбат чоп этгандим.

...Отахонни зиёрат қилмоққа чоғланиб телефон рақамларини тердим. Жавоб бўлмади. Охири таниқли тележурналист дўстим Рўзибой Қўлдошевдан сўрадим. У ҳам негадир анчадан бери Собир ака билан боғлана олмаётганидан хавотирда экан. “Айтганча, Истанбулдаги Туркистон жамияти раҳбари Акбар Ясса билан боғлан, у киши топиб беради”, деди. Акбар ака узоқроқда дам олаётганини айтиб, узр сўради. Эртаси куни биз гуруҳдан ажралиб, Мармар денгизи бўйларига кетдик...

Кечқурун қайтиб келиб яна Собир акани изладим. Ниҳоят туркман хизматчи аёл телефон гўшагини кўтарди ва салом-аликдан сўнг: “Марҳамат афандим, сиз сўйлайверинг, Собир аканинг қулоқлари сал оғирроқ, мен қаттиқроқ овозда айтиб тураман”, деди. Мен эса ҳуфтон маҳали қўнғироқ қилганим учун хижолат тортганча ўзимни таништирдим. Хотираси кучлилигини қарангки, бирдан эслади ва бир нафас жим қолди. Сўнг синиқ овозда “Ватаним тинчми, Президентимиз омонмилар, соғиндим, юртга борай десам, энди куч йўқ, мадор йўқ, қанийди сўнгги бора...” овози эшитилмай қолди Собир аканинг. Унсизгина ҳаприқиб йиғлар эди!..

Менинг ҳам кўнглим бузилди, икки асрни қаритаётган инсонга не деб таскин бермоққа ожиз эдим. Ҳалиги хонимга сокин овозда “Собир акага узримизни айтинг, катта саёҳатчилар гуруҳидамиз, агар эртага кечроқ йўлга тушсак, имкон топиб, у кишини зиёрат қиламиз”, дедим зўрға.

Бир маҳал Юсуфбей гидимиз хонамизни тақиллатиб, эртага тонгги бешда Каппадокияга жўнаб кетажагимизни қаттиқ тайинлади. Кейин билсак, саҳармардонда салгина кеч қолинса, дунёдаги энг доврюқли, мегаполис шаҳар – Истанбулга кириш ҳам, чиқиш ҳам осон бўлмас экан...

ТОШЛАР ТАРИХДАН СЎЙЛАЙДИ

Узоқ манзил – Каппадокия сари йўлга чиқдик. Бир маҳал Собир Сайхон қўнғироқ қилиб қолса денг. Энди нима дейман? Овозлари ҳам кечагидан кўра ўктамроқ эди. Бизлар кетаётган шаҳар номини эшитгани заҳоти: “Уҳ-у, толиқиб қоласизлар-ку, учоқда борсангиз бўлмасмиди, укажон. У ёқларда ер устидан кўра остида “мангу тирик” шаҳарлар кўпроқ. Майли, кўпчиликдан айрилиб бўлмайди-да, бўлмаса кўришардик бугун, сафарингиз бехатар бўлсин!” дея хайрлашди...

Истанбул ва Каппадокия ораси 734 чақирим экан. Автобусда танаффуссиз юрилса – 8 соату 55 дақиқа. Бу ҳазилакам масофа эмас, лекин йўллар биздагидек ўнқир-чўнқир бўлмагани учунми, чанқаган одам йўл-йўлакай сув ё чойни бемалол ҳўплаб ичаверади. Яна одатдагидек ҳар икки соатда бир нафас ростлаб оламиз, кимдир енгил таом ейишга улгуради. Яна бировимиз папирос тутатамиз, бошқамиз эса...

Ниҳоят бир нечта цивилизацияларга гувоҳ бўлган марказий Онадўли минтақасида жойлашган, табиий гўзалликлари ва тарихий бинолари, қоялари билан танилган уч минг йиллик ўтмишга эга Каппадокияга кириб борамиз. Гапираверіб томоғи қуриб қолган Юсуфбей бўлса узоқ-узоқларга ишора қилади: “Ҳув тоғларни кўряпсизларми, бу ердан тахминан 80-90 чақирим узоқликда денгиз сатҳидан 3253 метр баландликда ҳаракатдаги Ҳасантоғ ва Эржиестоғ (3917 м) вулқонлари бор”.

“Энди, дўстлар, меҳмонхонага жойлашганимиздан сўнг”, деяётган Юсуфнинг сўзлари ҳавода қолди: “Барака топгур, нима, сен бизларни тошлар шаҳрига тош одамлар келди, деб ўйлаяпсанми? Йўқ, ҳечқурса бирор соатча оёқни узатиб дам олайлик, кейин дастурингни бошлайсан”. Ҳамма баравар чапак чалиб юборди...

КУТИЛМАГАНДА ҳамроҳларимиздан бири, шаҳрисабзлик тадбиркор йигит ёрдам сўради: “Орамизда тиббиётчи борми, аёлимнинг тоби қочиб қолди, зўрға хонага обчиқдим. Боши айланиб, юролмаяпти, илтимос”. Мусофир жойда бегоначилик бўлмайди. Бир зумда гуруҳимиздаги ҳамшира аёл сумкасидан қон босимини ўлчайдиган асбобни олиб келди ва шоша-пиша дори-дармон ичира кетди.

Шу орада 200 га яқин ер ости шаҳарлари мавжуд ҳудуднинг айрим жойларинигина кўришга улгурдик. Барибир кўнглимизнинг бир чети хижил. Чунки ҳалиги хастаҳол аёлгинанинг аҳволидан барчамиз хавотирда эдик. Кечки овқатдан сўнг Юсуфбей унинг шаҳардаги касалхонага ётқизилганини айтди. Тун ярмида самарқандлик Наврўз ва Шуҳрат деган шифокорлар ҳам безовта бўлиб беморнинг аҳволи қандайлигини суриштира кетди. Юсуф бўлса бепарво қўл силтайди, қўлида суғуртаси борлигини, ҳеч қандай муаммо бўлмаслигини такрорлашдан чарчамасди. Бироқ...

Эрталаб соат тўққизларда автобусга чиқаётсак, меҳмонхона эшиги олдида кечагина “Тез ёрдам” олиб кетган шерикларимиз маъюс аҳволда туришарди. Уларнинг айтишича, шаҳардаги касалхоналардан бирига олиб боришгач, навбатчи шифокор аввал “МРТ”га тушириш керак, дебди. Шунда Самарқанддаги бир туристик фирма томонидан тақдим этилган тиббий суғурта полисини кўрсатишса, ҳозир улар билан боғланамиз, унгача сиз марҳамат қилиб 800 АҚШ доллари тўлаб туринг, жавоб келиши биланоқ пулингизни қайтариб берамиз дейишибди. Ноилож қолган Маъруф айтилган пулни тўлашга мажбур бўлганини, ҳалиги дўхтир эса “МРТ” хулосасини кўриб, энди “ЛОР” врач ҳам кўрсин-чи, дея 150 долларча пулни тўлаттирибди. Энг қизиғи, ўша шифохона врачи безбетларча, йўқ, афандим, бизни маъзур тутғайсиз, ўша фирмадан ҳеч қандай жавоб келмади, деганидан сўнг ҳафсаласи пир бўлиб меҳмонхонага қайтиб келишибди. Юсуфга бу кўнгилсизлик ҳақида хабар қилишса, у ҳам мен билмайман, ўзлари билан гаплашинг, деганча бош чайқабди...

Ишонсангиз, шахсан ўзим гувоҳман, энди саёҳат деса кўнгли айнийдиган бу эр-хотиннинг қандай азобда Тошкентгача етиб келганига.

Қанча одамнинг тинчи, ҳаловатидан айирган бу асаббузар воқеани нега батафсил келтираётганимни биласизми? Ҳар куни минг-минглаб юртдошларимиз дунёнинг қанчалаб давлатларига саёҳатга отланади. Бу каби нохуш ҳодисалар исталган киши билан содир этилмаслигига, афсуски, кафолат йўқ.

Кечагина ўша эр-хотинлар билан яна боғланиб, уларга турпакет берган сайёҳлик фирмасига мурожаат қилиб, тиббий суғурта умуман инобатга олинмагани сабабли ҳавога учиб кетган қарийб минг долларча маблағни қайтариб олиш мумкинлигини тушунтирдим. “Э, акагинам-а, ўзингиз гувоҳсиз-ку ахир, мусофир жойларда қандай сарсон-саргардон бўлганимиз етмаганидек, энди ўзимизда ҳам отангга бор, онангга бор деб юрайликми? Худога шукр, яқинда даволаниб чиқдим, асабларим тамом бўлди, тинчгина ўтирайлик”, деди ҳорғин оҳангда...

Каппадокияга борган ҳар бир сайёҳ, агар юраги дов берса, ҳаво шарларида учиши аниқ. Бизнинг орамизда эса беш-ўн кишигина ушбу бахтли сайр гувоҳи бўлишди. Қолганларнинг эса...

Очиғи, бугун интернетда антик манба – Ксенофонтнинг “Анабасис” китобида тилга олинган Каппадокия *(“Гўзал отлар ўлкаси”)* ҳақида исталганча маълумот топиш мумкин. Бу ғаройиб шаҳар довруғини дунёга таратиб келаётган қадим тоғу тошлар сир-синоатини билмоқ, англамоқ учун фақат кўриш керак.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ: ГЎЗАЛ ЎЙЛА, ГЎЗАЛ ЯША!

Саёҳатномамиз рўйхатида Кўнё шаҳри кўрсатилмаган эди. Шундай бўлса-да, Каппадокияда маҳалимиз Помуққалъага келгунимизча Юсуфбейга юзландик. “Мавлоно Румий бобомизни зиёрат қила оламизми?” У шу заҳотиёқ шарт қўйди: “Менга фарқи йўқ, ичкарига 40-50 километр кириш керак, фақат бутун гуруҳ кечки овқатдан воз кечсагина мумкин”. Қайда, бизлар – уч оила вакиллари (ўн киши) ва яна бештача ҳамроҳимиз ушбу улуғ зиёратга муштоқ эдик. Бошқалар эса нафсидан воз кечолмади. На илож?

Митти автобусда тонг саҳарда йўлга тушдик. Уч ярим соатлик масофа экан. Буюк мутафаккир, файласуф шоир, дунё илм аҳлини ҳамон ҳайрату ҳаяжонга солиб келаётган “Маънавий маснавий” китоби муаллифи (“Девони кабир”, “Мактубот”, “Ичиндаги ичиндадир” каби асарлари ҳам маълум) Мавлоно Жалолиддин Румий (Балхий) мангу қўним топган Кўнё шаҳридамиз. Шу кунларда зиёратгоҳ атрофи қайта таъмирланаётган экан. Осмонўпар нилий гумбазли Жалолиддин Румий мақбарасига келсангиз, унинг юз хил нақшин безаклари кўзларни қамаштиради. Ганч ўймакорлиги, ёғоч ва мис кандакорлиги санъатининг қилқалам усталари қадимий услубда зеб берган



пештоқлар, деворлару устунларга, ҳатто дарча панжараларига ҳам муқаддас Қуръони Карим оятлари битилган. Минглаб зиёратчиларни бағрига сиғдираётган ҳашаматли обида гумбазининг қай бир гўшасидан таралаётган най садоси юракларни титроққа солади. Мавлоно мақбараси қаршисида бир нафасгина тўхташга улгурмайсиз. Лаблар пичирлайди, киприкларингиз намланади. Ортингиздан келаётган одамлар денгиздай чайқала-чайқала сизни ташқарига қандай олиб чиқиб қўйганини-да сезмай қоласиз. Билмайман, сеҳрли бир куч яна ичкарига чорлайверади, чорлайверади. Ҳамроҳларимдан бири соатига қарайди: “Бизларни катта йўлда кутишяпти, улгуришимиз керак, кечикмайлик...”

Зиёратдан қайтарканмиз, бугун Мавлоно Румийни жаҳон халқлари бизники деб бежиз талашиб-тортишмаётганига ажабланмаймиз. Чунки ул зот ана шундай шарафли мақом ва мартабага муносибдир. Уни қуёш янглиғ бутун инсониятга дахлдор десак муболаға бўлмас!

Норқобил ЖАЛИЛ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Бурса – Истанбул – Каппадокия – Кўнё...

(Охири келгуси сонда.)

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O‘ZLIDEP LITMOIY-SIYOSIY GAZETA ASR XXI

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Актам ХАИТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Сирожиддин САЙИИД, Дилшод ШОУМАРОВ, Равшан МАМУТОВ, Нодир ЖУМАЕВ, Гулшана ХУДОЁРОВА, Шуҳрат АСЛОНОВ, Абдулла АСЛОНОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта: xxi_asr@umail.uz, xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:

қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ. Буюртма рақами: Г – 1045
Адади: 4 002
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 19:20

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи: **Маъруфжон Раҳмонов**

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: **Фаррух ЖАББОРОВ**